

Ишонч



09:00 / 07.02.2023 1636

Бу дунёда муносиб дўст топиб яшаш нақадар бахт. Афсуски, қани ўша муносиб дўст?! Ўз манфаати, ҳисоб-китоби турганда дўстни унутувчилар, унга кўмак бермаганига яраша, тек турмай зиён етказувчилар, кўргандагина оҳ-воҳ қилувчилар, имкони топилса бир пулга сотиб юборувчи қаллоблар асло дўст эмас! Юзма-юз келганда мулойимлик билан ҳол-аҳвол сўровчи, меҳрибонлик қилувчи дўстлардан мард рақиб аъло. Турланувчилар асло дўст бўлмас.

Иймонли кишиларнинг тил-сўзи, иши бир. Улар бирор эҳтиёжинг, юмушинг юзасидан ваъда берсалар — хотиржам бўл. Улар ўз сўзларида собитдирлар. Узрсиз ҳолатда ваъдага вафо қилмаслик каззоблик, мунофиқликдир. Улардан кўнглингни узмасдан, янглишасан. Ваъдабозлар умрингни, вақтингни, нақдингни совурадилар.

Одамлар орасида хиёнат кенг тарқалган пайтда ҳам ҳар кимга ишонавериш ожизликдир.

«Унванул байан» китобидан.

Кўп ҳам ишониб юборма, кўп ҳам яхши кўриб кетма, кўп ҳам умидланиб қолма. Чунки мана шу кўп сўзи (вақти келиб) сенга кўп азият беради.

Магистратура талабалардан бири маъруза охирида менга: «Доктор!

Дарсдаги маърузангизни эшитган пайтимизда уни тушунамиз ва кейинги дарсингизни интизорлик билан кутамиз. Лекин уйга қайтиб, дарсликларни ўқисак, сиз маъруза қилган пайтдагичалик фойда ва руҳиятни топмаймиз» деди. Мен унга: «Асалари асални нимадан олади?» дедим. У: «Гуллар ширасидан», деди. Мен: «Агар сен ўша гулларнинг бирортасидан есанг, таъми қандай бўлади?» дедим. У: «Аччиқ бўлади», деди. Шунда мен: «Устознинг вазифаси мана шудир. Устозлар аччиқ гуллардан ширин ва фойдали асал чиқариш учун миллионлаб гуллар узра айланиб, сўнг талабалар олдига тўплаган шираларининг хулосасини қўйишади», дедим. Доктор Ёсир Дарвиш.

Манбалар асосида Хуршид Маъруф тайёрлади